

Xabar

12

(913)-son

19-mart

www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz

2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan



Наврўзи олам муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

Хашар

Янгиланиш ва покланиш айёми – Наврўз байрами арафасида республикамизнинг барча шаҳар ва туманларида умумхалқ хайрия ҳашари уюшқоқлик билан ўтказилди. Унда 17 миллионга яқин ҳамюртимиз иштирок этгани, уларнинг кучи билан 35 минг гектардан зиёд майдон ободонлаштирилгани, 25,6 минг километр масофадаги лоток ва ариқлар тозалангани, қарийб 7 минг 800 та зиёратгоҳ ва қабристон обод қилингани, 66,1 минг тонна маиший чиқинди белгиланган жойларга чиқарилгани бунинг тасдиғидир. Ушбу хайрия ҳашарида алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимлари ҳам фаол қатнашди. Жумладан, умумхалқ ҳашари Тошкент ахборот технологиялари университети Фаргона филиалида ҳам ўтказилди.

Ҳашарда филиалнинг 650 нафар профессор ўқитувчилари, талабалар иштирок этди. Улар ёрдамида кенг қўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди. Филиалнинг барча ўқув хоналари, фан кабинетлари, лабораториялар, ахборот-ресурс маркази, мажлислар зали саранжом-сарништа кўринишга келтирилиб, тартибга солинди. 5,1 гектар майдон ободонлаштирилди ҳамда мевали ва манзарали дарахт шохлари буталиб, шакл берилди. Ариқлар тозаланди ва тартибга келтирилди. 400 туп атрофида манзарали, мевали дарахт, гул кўчатлари ўтказилиб, дарахтлар оқланди. Филиал жойлашган ҳудуд атрофида ҳам ободонлаштирилиш ишлари амалга оширилди.

Анъанага кўра, шу кунни кам таъминланган оилаларга, яқка-ёлғиз, муҳтожларга моддий ёрдам берилди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ



Сўнги янгилик!

Алоқа оламида:

Шу ҳафтанинг бошида Буюк Британияда дунёдаги энг йирик дата-центр (маълумотлар маркази)лардан бири ишга тушди. Европада тенгсиз ҳисобланган бу марказ кичикроқ шаҳарчиликка тенг равишда электр энергиясини сарфлайди.



Уэлсинг Нюпорт шаҳрида жойлашган мазкур марказ 70 минг квадрат метр майдонни эгаллаган бўлиб, 19 мингтагача сервер ўрнатиш имконини беради.

Маълумотлар марказининг 90 мегавольт-амперлик ўз электроподстанцияси ҳам бор, бу 400 минг киши яшовчи шаҳарни бемалол электр энергияси билан таъминлашга етади.

Ушбу сонда:

- Ахборот таъминотида корпоратив тармоқ 2
- Ўзаро фикр алмашилди 3
- Мероприятлар РСС в Ташкенте 6
- Тўйга тўёна билан 14
- Наврўзингдан айланай 16

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ҲАМКОРИМИЗ

Uz Net
Internet Service Provider

— сифат рамзидир

Umadan umagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 16-17 март кунлари расмий ташиф билан мамлакатимизда бўлди. Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари икки томонлама муносабатларга доир масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятта молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Музокара якунида Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибини тасдиқлаш тўғрисида”ги ҳамда “И.Б.Турамуратовни Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси раиси вазифасини бажарувчи лавозимга тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси ташаббуси билан Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида “Минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича Ўзбекистон ташаббуслари” мавзuida семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни мониторинги натижаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Тадбир иштирокчиларига мониторинг натижалари, суд идоралари ҳамда давлат бошқарув органлари, олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот муассасаларидан фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасига оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича олинган таклифлар, статистик таҳлиллار ҳусусида батафсил маълумотлар берилди.

Республика Олимпия шон-шухрати музейида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, парламент кўйи палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси, “Полвонлар миллий энциклопедияси” жамаиоти, Кураш халқаро ассоциацияси, Шарқ яққакурашлари ва жанг санъати маркази ҳамкорлигида “Баркамол авлод тарбиясида миллий спорт ўйинларининг ўрни ва аҳамияти” мавзuida илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Япониянинг Нагоя университети ваколатхонаси очилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган маросимда икки мамлакатнинг тегишли вазирлик ва идоралари раҳбарлари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани уюштирилди. Тадбир “Ўзбекистон табияти” албом-китоби ҳамда “Булоқча” – “Родничок” болалар экологик журналининг лойиҳаси ва экология мавзuida нашр этилган янги китоблар тақдимотида бағишланди.

Тошкентдаги “Ўзэкспомарказ”да 16-18 март кунлари “Энергетика. Энергия тежамкорлиги. Электротехника-2010” V халқаро ихтисосланган кўргазма бўлиб ўтди.

Ахборот таъминотида корпоратив тармоқ

Тошкент ахборот технологиялари университетида Ўзбекистон миллий кутубхонаси, Тошкент давлат маданият институти билан ҳамкорликда яратилган KAPMAT-TUIT eLib дастури асосида TATU ва унинг филиаллари биргаликда ишлаб чиққан корпоратив тармоқнинг тақдими бўлиб ўтди.

Унда Фан ва техника давлат кўмитаси раҳбари М.Каримов, Миллий кутубхона директори А.Умаров, шунингдек, пойтахтимиздаги олий ўқув юртлари ва улардаги АРМлар раҳбарлари, йирик кутубхоналар директорлари, университет талабалари иштирок этдилар.

Тақдимотни университет ректори профессор С.Қосимов олиб борди. Университетнинг илмий тадқиқот ишлари бўйича проректори Р.Абдурахмонов TATUда яратилган корпоратив тармоқнинг мақсади маълумотларни электрон тарзда узатишни ва ҳужжатлар алмашинувини ташкил этиш, университет таркибий тузилмалари орасида видеоконференциялар ташкил этишни йўлга қўйиш, университет ва унинг филиаллари ўртасида ҳамкорликда маълумотлардан фойдаланиш ва алмашиш учун ягона

интернет-портални ташкил этиш, келгусида қоғозсиз электрон ҳужжат алмашинувини амалга ошириш, TATU профессор ўқитувчилари билан талабалари ўртасида инновацион гоьлар ва амалий ишлар алмашинувининг тармоғини яратиш, Жанубий Корея, Голландия, Россия ва бошқа хорижий мамлакатларнинг йирик илмий муассасалари ва университетларининг семинарлари, илмий анжуманлари ва электрон ресурсларига йўл очишдан иборат эканлигини гапириб берди.

Корпоратив тармоқ талабаларга замонавий ахборот узатиш ва улар асосида хизмат кўрсатишнинг амалий кўникмаларини эгаллашга, таркибий тузилмалар ва филиаллар орасида ягона электрон почта алоқасини ўрнатишга имкон яратади. Лойиҳанинг амалга оширилиши TATU ва унинг Қарши, Самарқанд, Фарғона, Урганч, Нукус филиаллари, Тошкент шаҳридаги барча ташкилот ва муассасалар билан ягона локал тармоқ яратишни таъминлайди. Ташкил топаётган маълумотларни узатишнинг корпоратив тармоғи афзалликлари маълумотларнинг юқори даражада ишончлилиги, маълумотлар узатишнинг максимал тезлиги, TATUнинг маҳаллий ҳамда республика миқёсидаги маълумотларга эга бўлиши, тармоқнинг ахборот хавфсизлиги талабларига тўла жавоб беришида кўринади. Лойиҳа раҳбари профессор М.Раҳматуллаев “Тошкент ахборот технологиялари университетида ахборот таъминотининг корпоратив тармоғи” мавзусидаги таъминоти ишлаб чиқариш бўлими раҳбари бўлиб, унга библиографик ёзувларни киритишнинг қонунчилик, электрон библиографик кўрсаткичлар ва бошқа электрон ресурсларни ташкил этишнинг йўллари ҳақида сўзлади.

— Бизга электрон каталогни яратиш, электрон ресурсларни ташкил этишнинг назарий ва амалий билимларини эгаллаш учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди университетнинг ахборот-лаштириш ва кутубхонашунослик йўналиши талабаси Собир Алибеков. — Етарли даражада компютерлар, автоматлаштирилган кутубхона тизимларининг дастурий таъминоти, замонавий техника ва компютер воситалари билан жиҳозланган мультимедиа синфи, иккита лаборатория ва амалий машғулотлар учун компютер синфи, ихтиёримизда. “Кутубхона-ахборот фанлари бўйича янги магистрик дастури” мавзусидаги TEMPUS лойиҳаси ишини юритиш учун энг сўнгги русумдаги 15та компютер, сканер ва принтерлар билан жиҳозланган махсус хона ҳам ташкил этилган. Бутун тақдим этилган корпоратив тармоқ ҳам назарий билимларимизни мустаҳкамлашда бизга жуда қўл келади.

Нузгина АЛИМОВА,
TATU талабаси

Боғ яратилди

Навоий эркин иқтисодий-индустриал зона ҳудудинда қалдирғоч кўчатлар буй чўзмолда. Навбахор туманида “Почта боғи” барпо этилди.

Баҳор жуда хосиятли фасл. Оламни гулларга, яшилликка буркаган бу гузал фаслда амалга ошириладиган хайрли ишлар беҳисоб. Кўчат экиб, боғ яратиш, кенг қўламдаги ободонлаштириш ҳам кўкаламзорлаштириш тадбирлари ана шулардан биридир.

Наврўз арафасида Агентликнинг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси ташаббуси билан Навоий эркин иқтисодий-индустриал зона ҳудудида хайрия ҳашари ўтказилди. Ушбу ҳудудга биринчи даража кўчатларини ўтказишда ҳудудий бошқарма билан бир қаторда вилоят Давлат алоқа инспекцияси, “Навоий Телеком” ҳамда “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Навоий филиаллари, “ЎзNET” вилоят боғламаси, Навоий электромагнит мослашув хизмати, Навоий радиотелевизион узатиш маркази, Шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламаси, “Матбуот тарқатувчи” шўъба корхонаси ходимлари ҳам фаол иштирок этишти.

— Ҳудудда қурилиш ниҳоясига етай деб қолган, — дейди ҳудудий бошқарма бошлигининг ўринбосари Ҳасанжон Қаюмов. — Ўзбекистон-Сингапур ҳамкорлигидаги “Telecom Innovations” қўшма корхонаси атрофини ободонлаштириш ишларида алоқа корхоналарининг эликдан зиёд

ишчи-ҳодимлари иштирок этди. Кенг қўламдаги ободонлаштириш ишларини амалга ошириш билан бирга кўплаб арча дарахтлари ўтқазилди. Бу она табиятни яшилликка ўрашга қўшаётган муносиб ҳиссамиздир. “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Навоий филиалининг ҳам шундай ўз боғи бўлади. Навбахор тумани Охунбоев фермерлар уюшмаси ҳудудида ажратилган беш гектар ерга дастлаб 421 туп мевали дарахт экилиб, филиал томонидан “Бухоро боғдорчилик-ниҳолчилик” фермер хўжалиги, Кармана туманидаги “Сандобо Кенжаев” фермер хўжалиги билан тузилган шартномаларга асосан олма, олча, нок, ўрик ва беҳи каби мевали дарахт кўчатлари сотиб олиш учун 2 миллион 560 минг сўм сарфланган бўлса, ўтқазилган кўчатлар сони бутунгун кунга келиб, 1200 данадан ошиб кетди.

Почта боғини барпо этишда филиал ходимлари билан бирга Навбахор ҳамда Кармана туманидаги алоқа тармоқлари ишчи-мутахассислари ҳам фаол иштирок этишти.

Бу боғлар ҳадемай гулга кириши, мевалари юрт тўқинлигига ҳисса қўиши табиий.

Маруся ҲОСИЛОВА,
“Xabar”нинг Навоий вилоятидаги мухбири

➔ KASABA UYUSHMALARI HAYOTIDAN

Сарҳисоб

«Андижон матбуот тарқатувчи» МЧЖ ҳамда касаба уюшмаси кўмитаси ўртасида 2009-2011 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 2009 йилда бажарилиши юзасидан ўтказилган йиғилишда жамият директори М.Рахимов ва касаба уюшмаси кўмитаси раиси Г.Якубованинг хисоботлари тингланди. Йиғилишда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси П.Хошимов катнашди ва сўзга чиқди.

Ўтган – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили «Андижон матбуот тарқатувчи» масъулияти чекланган жамияти учун ютуқларга бой, айниқса, обуна расмийлаштириш ишлари самарали бўлди.

Ўтган йилда Давлат дастурининг бажарилиши юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, қишлоқларга тўртта замонавий матбуот дўкони ўрнатилди. Бундан ташқари, бўлимлар бўйича «Аллоқобонд» русумида жиҳозлаш давом эттирилиб, яна 18та дўкон шундай кўринишда таъмирланди.

Корхона ўтган йили «Матбуот тарқатувчи» АК томонидан кредит йўли билан 16та сўнгги русумдаги компютер мажмуини сотиб олиб, бўлимларга тарқатганди. Хозирда ҳар бир бўлим жамоаси иш юритишда компютердан фойдаланипти.

Жамиятга қарашли барча бўлимлар терминаллар билан таъминланиб, аксарият ҳолларда пластик карточкалар орқали обуна расмийлаштирилди.

Маълумки, матбуот тарқатиш соҳасида транспорт масаласи муҳим ўрин тутади. Жамият ўтган йили яроқсиз ҳолга келган автомашиналар ўрнига олтита автомобил сотиб олди. Бу эса зиё тарқатиш ишларининг самарадорлигини янада оширди. Нашрларнинг эгаларига ўз вақтида етказилиши йўлга қўйилди.

Шунингдек, жамиятда маънавий-маърифий ишларга алоҳида эътибор берилмоқда. Буюк сиймоларнинг таваллуд айёмлари, байрам тадбирлари, спорт мусобақалари ўтказилиши шулар жумласидандир.

Жамият жамоаси эндиликда «Баркамол авлод йили Давлат дастури»ни бажаришга киришган. Бу ишларнинг асосида ёшларни моддий, маънавий, ижтимоий ҳимоя қилиш ётади, албатта.

Восит АХМАТХОНОВ,

«Хабар»нинг Андижон вилоятидаги мухбири

➔ AXBOROT-KUTUBXONA MARKAZLARIDA

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилояти ахборот-кутубхона марказида «АКМ ва АРМларда ахборотга бўлган талаблар ва ахборот-ресурсларини яратиш масалалари» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Унда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан келган соҳа ходимлари иштирок этдилар

Ўзаро фикр алмашилди

Анжуман давомида тингловчиларни қизиқтирган бир қатор мавзуларда маърузалар тингланди, фойдали таклиф, тавсия ва фикр-мулоҳазалар билдирилди. Вилоят АКМ ахборот технологиялари бўлими мудири Иқбол Саидова, ахборот ва кутубхона хужжатларига ишлов бериш бўлими бош кутубхоначиси Олия Алимова, умумий ўқув зали бош кутубхоначиси Гулноз Муҳитдинова, ахборот-библиография бўлими бош кутубхоначиси Зилола Хўжаева ва бошқалар АКМ ва АРМларда электрон каталог яратиш, уни шакллантиришдаги ютуқлар ва мавжуд муаммолар, ахборот ва кутубхона хужжатларини сақлашнинг янги шакл ва усуллари, фонднинг сугурта нусхаларини яратиш, китобхона билан ишлашда янги ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш, библиографик манбаларнинг электрон шакллари яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича қимматли йўл-йўриқ ва маслаҳатларини бердилар. Кутубхоначилар анжуман давомида ўзаро тажриба алмашиб, келгуси режа-вазифаларни белгилаб олишди.

Иштирокчилар, шунингдек, вилоят АКМ илмий-услубий бўлими мудири Сабоҳат Адизованинг «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори»

номли қўлланма юзасидан тайёрлаган шарҳи билан яқиндан танишдилар. АКМ бўлим ва секторлари фаолияти ҳамда автоматлаштириш жараёнларини кўздан кечирдилар. Мултимедия технологиялари ва ташкилий техникадан фойдаланиш юзасидан тўлиқ маълумотга эга бўлдилар

Шунингдек, вилоят ахборот-кутубхона маркази ёшлар ўқув зали сектори томонидан вилоятдаги бир қатор касб-хўнара коллежлари вакиллари, умумтаълим мактабларининг касб-хўнарага йўналтириш мутахассислари, Бухоро шаҳар халқ таълими бўлими ташхис маркази мутасаддилари билан ҳамкорликда шаҳардаги 13-умумтаълим мактабида «Умумтаълим мактабларида узлуксиз касб-хўнарага йўналтириш ишларининг дастурини ҳаётга татбиқ этиш» мавзусида ўқув семинари бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар самараси академик лицейлар ва касб-хўнара коллежларида тайёрланаётган бўлажак мутахассислар билими, малакасига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқлиги ўз-ўзидан аён. Ўз касбига чиндан-да меҳр қўйган ҳар қандай мутахассиснинг кундалик меҳнатидан унинг ўзи ҳам, жамият ҳам фақат манфаат кўради. Шу боис ўқувчи-ёшларни касб-хўнарага

тўғри йўналтириш бугун ҳар қачонгидан кўра долзарб аҳамият касб этмоқда. Узлуксиз касб-хўнарага йўналтириш ишлари дастурининг талаб даражасида бажарилиши иқтисодиётнинг барча тармоқларига ғоявий-сиёсий жиҳатдан етуқ, назарий, амалий ва касбий тайёргарлиги юксак кадрларни етказиб бериш имконини яратиши турган гап. Шаҳар халқ таълими бўлими ташхис маркази раҳбари Феруза Насимова ана шулар ҳуусида сўз юритди.

Семинар қатнашчилари тадбир давомида ижодкор ўқувчилар томонидан тайёрланган буклетлар, рефератлар, деворий газеталар, шунингдек, болаларнинг қўл меҳнати маҳсули бўлган турли-туман буюмларни ҳам кўздан кечирдилар. Вилоят АКМ ёшлар ўқув зали мудири Мақсуда Ҳасанованинг касб-хўнарага оид бир қатор янги адабиётлар юзасидан тайёрлаган шарҳи, «Касб танлаш – тақдир танлаш» деб номланган китоблар кўргазмаси, шунингдек, 13-умумтаълим мактаби бадий ҳаваскорлари томонидан намойиш этилган саҳна кўринишлари ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Асатилло ҚУДРАТОВ,
Асқар ИСТАМОВ
Бухоро вилояти

➔ OBUNA-2010

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ:

«ҚОРАҚАЛПОҚ ТЕЛЕКОМ» ва ТАТУГА КОМПЮТЕР

«Хабар» газетаси томонидан ҳар йили ўтказиб келинадиган обуна танлови ғолиблари аниқланди.



Эслатиб ўтамиз, 2010 йилги обуна мавсуми учун танлов Агентликнинг худудий бошқармалари, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ филиаллари, туман почта алоқаси тармоқлари, алоқа бўлимлари, «Ўзбектелеком» АК филиаллари, «Матбуот тарқатувчи» АК вилоят корхоналари ҳамда обуна билан шугулланган махсус ходим (агент)лар ўртасида ўтказилди.

Жорий йилги обуна мавсумида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон, Наманган, Тошкент, Самарқанд, Навоий, Хоразм вилоятларида обуначиларимиз фаол бўлишди. Айниқса, Тошкент ахборот технологиялари университетининг ўқитувчи ва талабалари муштарийларимиз сафини кенгайтиришмоқда.

Танлов натижаларига кўра, биринчи ўрин учун белгиланган соврин – компютер жамланмаси бир

йўла икки корхонага – «Хабар»га 1000дан ортиқ йиллик обуна уюштирган «Қорақалпоқ Телеком» филиали ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университетига насиб этди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ филиаллари ўртасида белгиланган шарт – 1500дан ортиқ йиллик обуна бирор филиал томонидан уюштирилмаган.

1288та йиллик обуна ташкил этган «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Фарғона филиали рағбатлантирувчи соврин – телевизор билан мукофотланди.

Танловнинг иккинчи ва учинчи шартлари бажарилмади.

Шунингдек, обунани уюшқоқлик билан ташкил этган Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон, Наманган вилоятлари худудий бошқармалари, «Тошкент телеграф-телефон станцияси» ҳамда «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиаллари таҳририятнинг махсус совринлари ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

ПОШХЎРДА АЛОҚАЧИЛАР БОҒИ

«Сурхондарё Телеком» филиали ходимлари Наврўз байрами арафасида савобнига қўл урдилар. Улар яхши ният билан беш гектарлик боғ яратишди.

Денов дендрарийсидан харид қилинган меваги дарахт кўчатлари Кўҳанг тоғи этагига экилди. Энди янги боғ элига Рўзи Чориевдек дунё билган мусаввирни берган Пошхўрд қишлоғининг табиий кўркіга кўрк бахш ётади. Ўз навбатида, Шеробол туманида йўлга қўйилган бу тадбир 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастури ижросини таъминлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилгани билан аҳамиятлидир.

Термиз туманидаги Каттакум мавзусида «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Сурхондарё филиали яратган боғ эса келгусида мўл-қўл ҳосил беради.

Ўз мухбиримиз

QONUNCHILIK

ИНТЕРНЕТ-ТЕЛЕФОНИЯГА ЧЕКЛОВ

Reuters агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, Мисрда интернетда овозли халқаро кўнгироқларни амалга оширишни тақиқлашга қаратилган қонун лойиҳаси кучга кирди. Яъни оддий фуқаролар VOIP-ечимлардан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Янги қондалар Мисрдаги уч етакчи мобил алоқа оператори — ўз мижозларига интернет-телефония хизматларини тақдим этиб келган Mobinil, Etisalat Eгypt ва Vodafone Eгyptга ҳам тааллуқли.

“Чеклов мобил телефон орқали амалга ошувчи Skype сингари ечимларга қарши қаратилган, интернетта бемалол симли уланиш мумкин”, — дея воқеани изоҳлаган Миср Миллий телекоммуникациялар бошқармаси ижрочи президенти Амр Бадавий.

TARIX

ЧОРАК АСРЛИК САЙТ

Интернетдаги дастлабки сайт рўйхатга олинганига чорак аср тўлди.

Аниқроғи, 1985 йилнинг 15 март куни АҚШнинг Массачусетс штатида компьютер ва дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи Symbolics Inc компанияси сайти — Symbolics.com ишга туширилганди.

Айни пайтда .com доменидаги сайтлар сони 84 миллионгача ташкил этади, жумладан, уларнинг 11,9 миллионгача тармоқ орқали савдо билан шуғулланади, 4,3 миллионгача турли кўнгилочар сайтлар, 3,1 миллионгача молиявий амалиётларга ихтисослашган, яна 1,8 миллионгача турли спорт йўналишларидаги сайтлардир.

TV

ХОТИРАЛИ ТЕЛЕВИЗОР

Sony корпорацияси Bravia оиласига мансуб қаттиқ диск ўрнатилган ВХ30Н телевизорлар туркумини тақдим этиди.

Уларга 500 гигабайтлик винчестерлар ўрнатилган бўлиб, 22, 26 ва 32 дюймлик дисплейлар HD-стандартида (720р)ги тасвирни кўрсатади.

Қаттиқ дискда истиланган шаклдаги видеони сақлаш мумкин.

SALOMATLIK

“СОПИ ЎЗИДАН ЧИҚДИ”...

Жанубий Кореяда интернетпарастликка қарши курашишда дастурий маҳсулотлардан фойдаланишга қарор қилишди. Тавсия этилаётган дастурларнинг биринчиси тармоқда ишлаш вақтини чеклайди, яъни белгиланган пайтда интернетни узиб қўяди.

Internet Fatigue деб номланган иккинчи дастур эса онлайн ўйинларга муккасидан кетганлар учун мўлжалланган.

Корея Республикаси Бошқарув ва жамоат хавфсизлиги вазирлигининг маълумот беришича, мамлакатдаги интернетдан фойдаланувчиларнинг 8,8 фоизини “янги аср хасталиги”га чалинганлар ташкил этади.

TEKNOLOGIYALAR

ИНСОН ТАНАСИ ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ

Сеул миллий университети (Жанубий Корея) олимлари инсон тана-си орқали 10 Мбит/сония тезликда маълумот узатишга эришишди. Тадқиқотда икки қўлига электрод ўрнатилган кўнгилли иштирок этди.

Олимларнинг сўзларига қараганда, бу усул Bluetooth ёки Wi-Fi технологиясига қараганда энергияни анча тежайди. Маълумот узатишда паст частотали электромагнит тўлқинлардан фойдаланилди.

Бу янгилик тиббиётда қон томирлар уришини текшириш, бемор қонидаги қанд моддаси миқдорини аниқлаш ва ҳоказо мезонларни белгилашда қўлланилиши кутиляпти.

ЭЛЕКТР ЛАМПОЧКАСИДАГИ ИНТЕРНЕТ

Хайнрих Ҳерц институти (Германия) олимлари оддий ёруғлик (Visible Light Communication, VLC) орқали симсиз узатиш технологиясини тақлиф этишмоқда.

У маиший ёритгичлар — шипдаги лампочка ёки стол лампаси ёруғлиги ҳақидаги ахборот кодировкасини кўзда тутаяди, фақат бунда компьютердаги ёруғлик диодлари ва шипга ўрнатилган фотоприёмниклар ёрдамида ноутбукдан Тармоққа қайта узатишни ташкил этиш назарда тутилган.

Бу технологияда маълумот узатиш тезлиги ўртача 100-230 Мбит/сонияни ташкил этади.

ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ
ЖАМОАСИ

Ўзбекистон

алоқа ва ахборот ташқириши соҳаси

ходимларига нўзал айёми —

Наврўз

табригини йўллайди.



Она Ватанимизнинг келажаги ушбу байрамдек фусункор ва тароватли бўлсин!

РАДИОАЛОҚА, РАДИОЭШИТТИРИШ ВА
ТЕЛЕВИДЕНИЕ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ


Наврўз айёми

муносабати билан

юртдошларимизга самимий

тилакларини йўллайди.

Наврўз нафаси юртимизга,
хонадонларимизга шодлик, меҳр-оқибат,
тинчлик-тотувлик олиб кирсин!



Кенг тармоқли хизматни кўзлаб

Президент Ислам Каримовнинг 2009 йил якуни ва 2010 йилдаги устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси Сурхондарё вилояти алоқа корхоналарида ҳам эътибор билан ўрганиб чиқилди. Мамакатимизни изчил ривожлантириш ва модернизация қилиш ҳамда 2009-2012 йилларга мўлжалланган инкирозга қарши чоралар дастурини бажариш борасидаги амалий ишлар алоқа хизмати ходимларига ўзгача куч-ғайрат берди.

Мухбиримиз “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси “Шаҳарлараро алоқа корхонаси” филиалининг Сурхондарёдаги 7-Шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламаси бошлиғи Алмирза Шоймардонов билан шу мавзуда суҳбатлади.

— Алмирза Дурсаевич, маълумки, давлатимиз раҳбари маърузасида коммуникация тизимларини ривожлантириш билан боғлиқ ислохотлар ҳақида ҳам қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилган. Бу жамоангиз аъзоларига ҳам кўтаринки руҳ бахш этди, шундай эмасми?!

— Дарҳақиқат, ана шу кайфият маърузани ўрганиб чиқиш чоғи яққол билинди, жамоамиз Юртбошимизнинг алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига алоҳида тўхталиб ўтганларини чуқур ҳаяжон билан қутиб олиши. Бу бежиз эмас. Замонавий ва юқори технологик телекоммуникация тармоғини ривожлантиришдек ўта мураккаб, аммо ғоят шарафли вазифа билан боғлиқ жараёнда уларнинг ўз ўрни бор.

Эътибор берган бўлсангиз, маърузада “Андижон-Ўш”, “Кўнғирот-Бейнов” қатори “Денов-Турсунзода” ва “Термиз-Ҳайратон” йўналишлари бўйича ҳам халқаро алоқа линиялари ишга туширилгани таъкид

лаб ўтилган. Бу участкалардаги асосий ишларни айнан жамоамиз бажарган.

— Демак, ўтган Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили боғлама ҳаётида эсда қоларли давр бўлибди-да?

— Албатта, бу даврда нафақат “Термиз-Ҳайратон” ва “Денов-Турсунзода” йўналиши бўйича оптик толали алоқа кабели ётқизишга эришиш, балки дастур доирасидаги бошқа тадбирлар ҳам бекам-кўст уддаланди. Келинг, далил учун баъзи маълумотларга тўхталиб ўтай. Иш давомида Бухоро-Қарши-Термиз йўналишида рақамли оқимларга бўлган талаб юқорилиги инobatта олиниб, энг зарур тадбирлар амалга оширилди. Бундан ташқари, қўшни Тожикистон ва Афғонистон давлатларига бевосита “Ўзбектелеком” АК транспорт тармоғи орқали рақамли оқимлар транзити ташкил этилди. Нағижала мавжуд РРЛ тармоқларидан самарали фойдаланиш шароити яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги “Телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва модернизациялаш тўғрисида”ги қарорида кўзланган бу каби амалий ишлар тинчлик-барқарорлик мақсадларига хизмат қилаётгани билан қимматлидир.

— Баркамол авлод йили деб номланган амалдаги 2010 йил учун қандай истиқболли вазифаларни белгилаб олгансизлар?

— Хабарингиз бор, ҳозирги пайтда Термиз-Мозори Шариф темир йўли қурилиши олиб борилмоқда. Келгусида Амуларё ўзани устидан ўтадиган бу йўлдаги қурилишни давом эттириш мўлжалланган. Темир йўл линияси инфратузилма объектларисиз ҳеч қачон равнақ топа olmayди. Бундай хизматлар орасида телекоммуникация тизимининг ўрни катта. Шу жиҳатдан олганда истиқболдаги вазифаларимиз кўлами ниҳоятда кенг, 2010 йилдаги ишларимиз мундарижасини тузишда буни алоҳида ҳисобга олдик.

Жорий йилда магистрал алоқа тармоқлари бошқариш тизимларининг барқарор ривожланиши таъминлашга ҳаракат қиляпмиз. Бунинг учун рақамли SDH узатиш тизимидан ўта юқори тезликка ва кўп имкониятларга эга бўлган DWDM узатиш тизимига ўтиш режалаштирилган. Шундан сўнг бошқарув тизимларининг ўзаро ишлари янада такомиллашади. Амалдаги йилнинг дастлабки икки ойида мақсадга яраша ишлар бажарилди.

— Биласиз, овидаги каби жамоада ҳам соғлом муҳит барқарор бўлса,

ортиқча ташвишларга асло ҳожат қолмайди...

— Тўғри айтасиз, агар жамоа аҳил бўлса, “тўбадагини ендириш” ҳеч гап эмас. Биз анча қўйин ишларни худди шу маънавий куч билан муваффақиятли бажариб келяпмиз. Ваҳоланки, боғламамиз турли миллат вакиллари билан ташкил топган. Улар меҳнат ва турмушда доим энг яқин биродар ва кўмакдош. Айниқса, Тўхтамурад Мирзасев, Шопўлат Бўтаев, Абдуғаффор Ҳамроев, Одил Мардаев, Олтибой Хуррамов сингари ходимларимиз билан фахрланишга ҳақимиз. Булар магистрал алоқа кабелиларини тортиш ва ётқизиш, оптик толали линия қуриш ҳамда РРЛ станцияларига хизмат қилиш ишларида ўрнатқичлар бўлиб кўрсатишмоқда.

— Сиз билан қадимий ва миллий байрамимиз — Наврўз шодиданлари арафасида суҳбатлашни турибмиз. Фурсатдан фойдаланиб, юртдошларимизга ўз истакларингизни билдирсангиз.

— Барчани, жумладан, алоқа соҳасида ҳормай-толмай хизмат кўрсатиб келаётган ҳамкасбларимни яшариш, янгиланиш байрами — Наврўзи олам билан сидқидилдан табриклаймман. Илоҳим, барчалари эсон-омон бўлишиб, ишлари бароридан келаверсин!

Нортожи ЗИЁЕВ суҳбатлашди

Компютер сабоқлари

ТАТУ Фарғона филиалида Фарғона вилоят касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ва тизимдаги ташкилотларда ишловчи масъул ходимлар учун компютер саводхонлигини ошириш бўйича ўқув семинари ўз иштини якунлади. Тингловчилар уч босқичда ўқув машғулотларида иштирок этишиб, информатика ва ахборот технологиялари, Microsoft Word, Microsoft Excel дастурлари, интернет ва электрон почта билан ишлаш бўйича маърузалар тингладилар ҳамда амалий машғулотларда иштирок этдилар.

Машғулотларни “Амалий информатика” кафедрасининг доцентлари Ф.Полвонов, Б.Мирзакаримов, М.Жалилов, И.Шодмонов, Х.Мусаев каби тажрибали профессор-ўқитувчилар олиб боришди.

— Бугун тизимда фаолият юритаётган масъул ходим ахборот технологиялари бўйича кенг билим ва малакага эга бўлиши лозим, — дейди ТАТУ Фарғона филиалининг ўқув ва илмий-тадқиқот ишлари бўйича директор ўринбосари, доцент Ф.Полвонов. — Чунки тез суръатлар билан ривожланиб бораётган информатика ютуқларидан хабардор бўлмай туриб, кўптармоқли касба уюшмаси фаолиятини ташкил этишнинг иложи йўқ. Шунинг ҳисобга олиб, биз асосий ва қўшимча қурималар билан танишиш, дастурий таъминот ва уларнинг турлари, офис дастурлари, маълумотларни очиш ва сақлаш, формулалар ҳосил қилиш ва улар билан ишлаш, браузерлар вазифаси, опера дастури ва электрон почта билан ишлаш каби муҳим маълумотлар билан тингловчиларни яқиндан таништиришга катта аҳамият бердик.

Ўқув семинари якунида тингловчиларга сертификатлар топширилди.

Мансур ТОШИМАТОВ,
ТАТУ Фарғона филиали 3-босқич талабаси

НАМКАСБЛАРИМИЗ

Орзулари ойдин



Зулфира ўрта мактабни т а м о л а б, Бешкент электралоқа боғламасига ишга келди. Ундаги қ о б и л я т кўпчилигининг назарига тушди. Боғлама томонидан унга соҳаси бўйича ў қ и ш г а йўлланма берилди.

Ўшанда 1987 йилнинг кузи эди. Зулфира Тошкентга келди, Электротехника алоқа институтининг тайёрлов бўлимига ўқишга кирди. Кейинги йил талабалар сафига қабул қилинди. Талабалик даврида ҳам ташкилотчилиги, жамоат ишларида фаолиги билан гуруҳ раҳбарларининг назарига тушди. Беш йил ўзи таҳсил олган факультетда талабалар касба уюшмаси кўмитаси раиси сифатида фаолият кўрсатди. Талабалар ўртасида турли тадбирлар, учрашувлар, баҳслар ташкил этди. Ўзлаштиришда оқсаятган талабалар билан ишлади, ётоқхонада “Қизлар клуби”, факультетда деворий газетани назорат қилди.

Талабаликнинг олтин дамлари ортда қолиб, Зулфира қадрон сафдошлари қаторига яна қўшилди. Электромеханик сифатида фаолият юрита бошлагандан сўнг, бош муҳандис Бахтиёр Назаров, ЛАЗ муҳандиси Дилбар Раҳматуллаева, муҳандис Тоҳир Маматовлар устозлик қилган бўлсалар, илк устози отаси — кўп йиллар Бешкент алоқа боғламасини бошқарган Абдулла Раҳматуллаев эди.

— Отам алоқа соҳасида меҳнат қилиб юрган кезларидаёқ менда бу соҳага қизиқиш бошланган эди, — дейди Зулфира Раҳматуллаева. — У пайтда алоқачилик касби бўйича маълумот олган маҳаллий хотин-қизлар озчилигини ташкил этарди. Туманда, қишлоқларда алоқа линиялари бўйича олиб борилаётган ишлардан биринчи бўлиб хабар топар эдик. Онам узок йиллар Бешкент алоқа бўлимида меҳнат қилган. Опам Дилбар Раҳматуллаеванинг алоқа соҳасидаги фаолиятига 35 йил тўлди, ҳозирда ТКБда муҳандис бўлиб ишлайди. Мени ишга етаклаган шу опам бўлади.

Зулфирада тиришқоқлик қобилияти бор. Айниқса, жамоат ишларида фаоллигини айтмайсизми? Бу ҳислатлари билан у сафдошларининг ишончини оқлаб, боғламада цех касба уюшмаси кўмитаси раиси вазифасига сайланганига ҳам анча бўлди. Унинг ташкилотчилиги билан алоқачиларнинг фарзандлари дам олиш оромгоҳларига йўлланмалар билан таъминланаяпти, йирик шаҳарлар бўйлаб саёҳатлар уюштириш яхши йўлга қўйилаяпти. Кекса ходимлар, фаоллар ҳолидан хабар олиш, турли маърифий кечалар уюштириш, ходимларнинг соғлиқларини тиклаш мақсадида санаторийларга йўлланмалар олиб бериш, байрам саналарига бағишланган тадбирларни айтмайсизми?

Зулфира Раҳматуллаева нафақат ишда сафдошларига ўрнатқич, балки оилада ҳам меҳрибон она. У сингари хотин-қизларимиз дунёнинг етакчи компанияларида ишлаб чиқарилаётган мураккаб коммуникация технологияларини бошқармоқда.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
“Хабар”нинг
Қашқадарё вилоятидаги мухбири

Мероприятия РСС в Ташкенте

10-12 марта 2010 года в Ташкенте состоялись 3-е заседание Рабочей группы по работе с Международным союзом электросвязи (МСЭ) и 22-е заседание Комиссии Регионального сотрудничества в области связи (РСС) по координации международного сотрудничества.

На заседаниях приняли участие представители администраций связи Азербайджанской Республики, Республики Беларусь, Республики Казахстан, Кыргызской Республики, Республики Молдова, Российской Федерации, Республики Узбекистан, а также Исполкома РСС и Зонального отделения МСЭ для стран СНГ.

В ходе заседаний рассмотрены вопросы, связанные с завершающим этапом подготовки к Всемирной конференции по развитию

электросвязи МСЭ 2010 года (ВКРЭ-10, 24 мая — 4 июня 2010 года, г.Хайдарабад, Индия) и ходом подготовки к Полномочной конференции МСЭ 2010 года (ПК-10, 4-22 октября 2010 г., г.Гвадалахара, Мексика).

В рамках заседания Комиссии РСС по координации международного сотрудничества были подписаны Общие предложения администраций связи РСС на ВКРЭ-10. В них, в частности, вошли предложения администрации связи Узбе-

кистана, одобренные Комиссией РСС, по устойчивому снабжению электроэнергией объектов электросвязи в сельских и отдаленных районах с использованием возобновляемых источников энергии.

Кроме того, рассмотрены вопросы подготовки к другим международным мероприятиям МСЭ, в частности к сессии Совета МСЭ 2010 года, Ассамблее радиосвязи и Всемирной конференции по радиосвязи 2012 года.

Комиссия РСС по координации международного сотрудничества является рабочим органом РСС и осуществляет свою деятельность в соответствии с Уставом РСС, решениями Совета РСС, координационного совета государств-участников СНГ по информатизации при РСС (КСИ) и Положением о Комиссиях РСС.

Аси.уз



Уведомление об изменении информации о доменном имени

И вновь Администрация доменной зоны «UZ» добавляет к уже существующему сервису «Уведомления для администраторов доменных имен» новое уведомление, которое также отправляется администраторам (владельцам) доменных имен и несет в себе информацию о произведенных изменениях в базе Whois о доменном имени. Это означает, что владелец доменного имени всегда сможет узнать или проверить сделанные Регистратором изменения информации о его доменном имени, что послужит предотвращению ошибок при внесении изменений в базу Whois.

Чтобы администраторы (владельцы) доменных имен могли получать все уведомления, в том числе могли узнавать о производимых изменениях информации о доменном имени, необходимо всего лишь при регистрации указать точный адрес электронной почты. Напомним, что в настоящее время сервис включает в себя следующие уведомления: «приветствующее», уведомления, отправляющиеся до окончания регистрации доменного имени и «финальное» уведомление об освобождении доменного имени для новой регистрации. Обсуждение сервиса проходит на Объединенной форумной площадке uForum.uz в специальной теме. В домене UZ всегда хорошие новости!

Internet Explorer 9 возвращает Microsoft к битве браузеров

Аналитик Forrester Шери Маклейш считает, что Microsoft обострила интригу на рынке браузеров, представив первую рабочую бета-версию Internet Explorer 9 для разработчиков.

«Они хотят не просто тянуться в хвосте или поддерживать минимальный функционал, — сказала она. — Они создали полностью новую команду для IE. Microsoft явно дает понять, что снова серьезно относится к браузерам».

В качестве примера нового участника команды Маклейш привела Теда Джонсона, который в свое время основал Visio Corp., затем (с 2000 по 2003 годы) был корпоративным вице-президентом Microsoft, а сейчас в качестве старшего архитектора отвечает за графику и визуализацию в новом браузере. «Microsoft собрала в команде IE нескольких очень опытных инженеров, — говорит Маклейш. — Это просто убийственная команда».

Аналитик не согласна с мнением некоторых своих коллег, которые считают, что Microsoft больше не считает браузер важной частью своего бизнеса. «Браузер — это способ продвинуть поиск, для Microsoft поиск — это Bing, и естественно, что Microsoft кровно заинтересована в создании комфортных условий работы в пределах Windows», — полагает Маклейш.

Internet Explorer 9 был представлен на конференции MIX10. Среди новых функций: фоновая компиляция JavaScript на отдельном ядре (на многоядерных процессорах), аппаратное ускорение вывода текста и графики, поддержка HTML 5, также с аппаратным ускорением. В Microsoft заявляют, что наконец решили проблемы с медленным воспроизведением JavaScript по результатам теста SunSpider, бета-версия IE 9 лишь чуть медленнее Chrome, Safari и Opera 10.5, зато немного быстрее Firefox 3.6.

Впрочем, если исходить из другого рейтинга браузеров — Acid3, новому браузеру предстоит еще долгий путь: IE 9 набрал всего 55 очков из 100 возможных. С другой стороны, в конце прошлого года их было всего 32. Тест Acid3 определяет соответствие браузера различным спецификациям, в основном DOM, CSS2, SVG и стандартам Веб 2.0. Что касается HTML 5, то Маклейш полагает, что в Microsoft предельно серьезно относятся к новой спецификации веб-стандарта. В Microsoft «планируют поддерживать HTML 5 по полной программе», говорит эксперт.

Сборку IE 9 Platform Preview уже сейчас можно загрузить с официального сайта Microsoft. Это не полноценный браузер, а фреймворк для демонстрации основных возможностей движка. Программа работает в средах Windows 7, Windows Server 2008 R2, Windows Vista SP2.

«Я думаю, Microsoft снова готова серьезно подойти к инновациям, — подытоживает Маклейш. — А когда Microsoft за что-то берется серьезно, то лучше не стоять у нее на пути».



НА СМЕНУ ОТПЕЧАТКАМ ПАЛЬЦЕВ ПРИДУТ «РУЧНЫЕ» БАКТЕРИИ

По словам ученых, бактерии, располагающиеся у нас на руках, могут служить своего рода уникальным идентификатором, способным точно указать на человека не хуже, чем отпечатки пальцев. Использовать данную особенность рук людей предлагается в криминалистических целях.

Западные исследователи сообщили об открытии нескольких сообществ бактерий, расположение которых уникально для каждого человека, но присутствуют они у всех. В качестве эксперимента ученые взяли обычные компьютерные отпечатки и по «бактериологическому следу» смогли точно установить владельца той или иной клавиатуры.

Подробно о своей работе ученые сообщили в научном журнале Proceedings of the National Academy of Sciences.

«Руки даже очень чистоплотного человека содержат на своей поверхности около 150 разновидностей бактерий. Это число практически неизменно и не зависит от того, как часто и насколько тщательно вы моете руки. Каждый человек оставляет уникальный бактериологический след и это можно использовать как базу для будущих криминалистических экспериментов», — говорит профессор Ноа Фирер из Университета штата Колорадо.

ВЫШЛИ ФИНАЛЬНЫЕ ВЕРСИИ Opera Mini 5 И Opera Mobile 10

Компания Opera Software объявила о выходе финальных версий мобильных браузеров Opera Mini 5 и Opera Mobile 10. По сравнению с бета-версиями в финальных релизах приложений было исправлено несколько значительных ошибок, функционал же обозревателей не изменился. Разработчики отметили, что браузер Opera Mini 5 доступен для всех телефонов с поддержкой Java, а также для смартфонов Blackberry. Пользователи устройств на платформах Windows Mobile и Symbian S60 могут установить Opera Mobile 10.

ИВМ ПОМОЖЕТ ПОЛЬЗОВАТЬСЯ МОБИЛЬНИКАМИ

Компания IBM, индийский Национальный институт дизайна и японский Исследовательский центр современной науки и технологий выступили с инициативой, которая направлена на создание открытой платформы стандартного пользовательского интерфейса для мобильных устройств.

Авторы инициативы надеются, что смогут таким образом помочь людям пожилого возраста, людям с нарушениями зрения и неграмотному населению во всем мире пользоваться мобильными телефонами, смартфонами и коммуникаторами.

DELL ПОДАЕТ В СУД НА 5 ВЕДУЩИХ ПРОИЗВОДИТЕЛЕЙ

Компания Dell, занимающая третье место в мире среди производителей персональных компьютеров, подала в суд на компании Sharp, Hitachi, Toshiba, Seiko Epson и HannStar.

По мнению Dell, перечисленные компании участвовали в картельном сговоре с целью фиксации цен на жидкокристаллические мониторы.

В компаниях Sharp и Hitachi заявили, что знают об иске, но отказались от дальнейших комментариев. Представители Toshiba и Seiko Epson ответили, что проверяют информацию, а в HannStar оказались пока не готовы комментировать иск, сообщает источник.

Хабар +tv

ДУШАНБА — 22 МАРТ

УБАВЕКОСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Убабекистон!»
7.00 «Йўлим»
7.10 «Силам ва одам» дастури:
«Қонақдон»
8.00 «Тавлимоном»
8.50 - 9.50 «Манаъият» дастури.
«Болалар сайраси»
9.50 «Болалар дўни»
10.10 «Жалолдин Мангуберди» М/ф.
10.35 «Ичи дарё орилида»
10.55 «Силниг аҳлиқанд»
11.00 «Айборт»
11.15 «Юртин бўйлаб» дастури:
«Панаража хитловлари»
11.25 Миллий сериал: «Уйр манаралари»
12.00 «Ассалом, Убабекистон!»
12.50 «Йўлим»
12.55 «Қилаклар дарахсин»
14.00 «Айборт»
14.20 «Дўни манаралари»
14.40 «Нон қадри»
14.55 «Йўлим»
15.00 Жаҳон мусиқиси хазинасида.
Варди: «Бал-маскарад», 1-қисм.
16.05 «Тараққий сари»
16.25 «Мени Ўшмакани»
16.40 «Ичи дарё орилида»
17.00 «Айборт»
17.15 «Агар Сиз...»
«Болалар сайраси»
17.35 «Эртақлар» - ишчилик аэталар.
17.55 «Силниг адвокати»
18.05 «Ситин мерос»
18.15 Миллий сериал: «Уйр манаралари»
18.50 «Менинг оилам»
19.15 «Илтибор»
19.20 «ТВ - шифкор»
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Айборт» /рус/
20.10 Миллий сериал: «Умиднинг сончаси»
20.45 «Ватанамни куйлайсан»
21.00 «Айборт»
21.40 «Бой Наврози» В/ф, 3-қисм.
22.05 «Муайенда фасли» Т/с.
22.45 «Йўлим»
22.50 «Наврози» В/ф, 5-қисм.
23.01 - 23.35 Тунги навлар.
23.35 Кўрсатувлар дастури.
23.40 «Мени Ўшмакани»
23.55 «Қилаклар дарахсин»
1.00 «Айборт» /рус/
1.35 «Бой Наврози» В/ф, 3-қисм.
2.00 «Йўлим»
2.05 «Менинг оилам»
2.30 - 3.30 «Манаъият» дастури.
3.30 «Салом, Ўшлар!»
4.00 «Айборт»
4.30 «Ситин мерос»
4.40 Телетeatр: «Ўйнинг заи будинг»
5.20 «Ичи дарё орилида»
5.40 - 5.55 Тунги навлар.



7.00 «Салом, Ўшлар!»
7.30 «Давринг боласи»
7.40 «Мультианорам»
8.00 Миллий сериал: «Оқуш»
8.45 «Салом, Наврози»
9.05 «Тузалик сотилди» Т/с.
9.55 «Барқамоллик йўлидан»
10.00 «Давр»
10.30 «Қорвалок Ўшлари»
10.50 2010 - Барқамол аълоқ йили.
«Буғундан эълонлик»
11.10 «Ер сайрасин», 6-қисм.
12.00 Миллий сериал: «Туташ тақдирлар»
12.50 «Қалажак ағлақари»
13.00 «Давринг боласи»
13.10 «Болалар табассуми»
13.20 «Қола Урақ», М/с.
13.40 «Томоша»
14.00 «Салом, Ўшлар!»
14.30 «Самарқанд хаворирин»
15.10 «Ичим қанчалар»
15.55 «Наврози оилам»
16.00 «Давр»
16.10 «Давринг боласи»

16.20 «Мультианорам»
16.30 «Катта танлафу»
17.00 «Ғаройиб гойлар» Б/ф.
18.30 «Барқамоллик йўлидан»
18.50 «Давр»
19.00 «Давр»
19.30 Миллий сериал: «Туташ тақдирлар»
20.20 «Автопарул»
20.40 «Хиёла»
21.00 «Тузалик ортдан» Т/с.
21.55 «Йўлим»
22.00 «Давр»
22.30 Миллий спектакль: «Чч кулик дўни»
00.00 «Муқошавий дўни»
1.00 «Салом, Ўшлар!»
1.30 «Хайт сумолларин»
2.00 «Давр»
2.30 «Абсона ва ҳақиқат»
3.20 «Хайт-мамонт» Т/с.
4.10 «Тараням»
5.00 «Эрт тиниларин»
5.05 «Барқамол», Б/ф.
6.55 «Барқамол аълоқ»



7.25 Кўрсатувлар таштиби.
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 «Шўкрона»
8.35 «Жуноқ сарқаралик», Б/ф.
9.40 Мумтоз навлар.
9.45 «Эсимаралда» Т/с, 55-қисм.
10.15 «Карвонақройи»
10.25 «Саргушайлақ оролин»
10.50 «Леди Жейн», Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дўни» телдустури.
14.55 «Йўлим»
15.00 «Поитхат»
15.10 «Эмералда», Т/с, 56-қисм.
15.40 - 23, 5 дарақай буржак остида» К/ф.
16.30 «Жуноқуноқ маспалати»
16.35 «Тошкентда латифа»
16.50 «Робот Линоков», М/ф, 1-қисм.
17.20 «Қарвонақройи»
17.30 «Болалика қўйтиб»
17.50 «Йўлим»
17.55 «Шўкрона»
18.00 «Поитхат»
18.20 «Телекуяр-меркат»
18.25 Миллий сериал: «Узи уйламанган оилам», 7-қисм.
18.50 «Тошкентнинг илм масканларин»
19.00 «Ичи мураббат», Т/с, 10-қисм.
20.00 «Поитхат»
20.20 Бизнес-Поитхат»
20.25 «Анжи, Ўлган», Т/с.
21.20 «АВН қўптиб»
21.20 «Шўкрона»
21.25 Мумтоз навлар.
21.30 «Поитхат» /рус/
21.50 «Буғдай азоров»
22.00 «Телекуяр-маркет»
22.10 «Кино SMS со аълоқдам»
22.15 «Васаби», Х/ф.
22.50 «Мисли вужук»
00.00 «Поитхат» /рус/
00.20 «Оқсария дари»
00.50 «Ички сувни: 10 советлар илим наъсиян», Х/ф.
1.15 «Аёл қўптиб»
2.40 «Хусор тоғлариди баҳор» Т/ф.
2.50 Тунги кинонаъсиян: «Леди Жейн», Б/ф.
3.00 «Поитхат»
5.25 «Йўлим»
5.30 «Салом, Тошкент!»
6.30 «Йўлим»
6.35 Миллий сериал: «Узи уйламанган оилам», 8-қисм.
7.05 «Уйлари»
7.10-7.25 Тунги навлар.

«Спортландия»
Мультифилм.
«Дастхат»
7.55 «Саломатлик наъмаларин»
8.15 ХАБАРЛАР.
8.30 «Малхон +»
9.20 Футбол: «Чемпионат Англии».
«Форман» - «Вест Хам»
11.00 «Махалламиз гавлавларларин»
11.30 «Ларингда Наврози сайли»
12.10 «Риат қиролларин»
